

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 06

Тошкент шаҳри

« 19 » *январь* 2022 йил

“Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари таҳририяти(кейинги ўринларда Ижрочи деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи унинг Бош муҳаррири Т Тўрахонов бир томондан

“Микрокредитбанк” АТБ
(Ташкилот номи)

(кейинги ўринларда Буюртмачи деб юритилади) номидан иккинчи томонидан
Низом асосида фаолият юритувчи

мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1.Шартноманинг предмети

1.1.Ҳақ эвазига шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Ижрочи кейинги ўринларда Хизматлар деб аталадиган куйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади:

№	Маҳсулот (ишлар, хизматлар) номи	Чоп этиш бирлиги	Миқдори	Нархи (сўм)	Етказиб бериш нархи	Акциз солиғи		ҚҚС		Етказиб бериш нархи солиқлар билан
						Ставка	Сумма	%	Сумма	
						Акциз солиғи сиз				
1	Реклама ва эълонлар учун	1 см ²	850	2200	1870000			15%	220500	2150500
	Жами ҳақ тўлашга:									2150500

Хизматлар кўрсатиш муддати:

202__ й «__» _____ дан

202__ й «__» _____ гача

Сумма сўз билан Икки миллион бир юз элик минг беш юз сум.

Ижрочи Хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга.

1.3.Хизматлар Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

2.Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1.Ижрочининг мажбуриятлари:

- а)Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.
- б)Хизматларни мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.
- в)Агар Ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.
- г)Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

2.2.Буюртмачининг мажбуриятлари:

- а)Реклама маълумотларини тайёрлаш учун керакли ахборотларни Ижрочига ўз вақтида тақдим этиш;
- б)Буюртмачи кўрсатилаётган хизмат учун олдиндан 100 % тўловни амалга оширади.

2.3.Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- а)Ҳар қандай вақтда Ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.
- б)Далолатнома имзолангунга қадар ҳар қандай вақтда шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг Буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги хабарнома олингунга қадар кўрсатилган хизматлар қисмига мутаносиб қисмини ижрочига тўлаш.

3.Шартнома баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

3.1.Мазкур шартноманинг баҳоси 2150500 сўмни ташкил қилади.

3.2.Буюртмачи томонидан ижрочига кўрсатилган хизматлар баҳосини тўлаш ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

4.Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1.Мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган хизматлар кўрсатиш муддатини бузганлиги учун Ижрочи Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб

кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2.Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.3.Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.Форс-мажор ҳолатлари

5.1.Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

5.2.Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

5.3.Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

6.Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1.Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда тарафлар, қоидага қўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар суд тартибида ҳал қилинади.

6.2.Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун Тошкент туманлараро иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

7.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

7.1.Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга.

7.2.Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8.Якуний қондалар

8.1.Мазкур шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

8.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

8.3..Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзолангандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Ижрочи:

“Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари таҳририяти.

Манзили: 100000 Тошкент ш. Чилонзор тум.

Бунёдкор кўч. 50 (а)-ўй

Тел:(71)276-95-93, (71)276-10-91

Ҳ/Р № 20210000100131222001

Банк: АТ“АГРОБАНК”Тошкент ш.

МФО №:00394.


ИНН: 201069406. ОКЭД 58130.

Бош муҳаррир



Буюртмачи:

Манзили:



Раҳбар

(имзо)